

Олимлар султони

Амир ул-мўъминин Абубакр Сиддик (раз) авлодларидандир. Онаси Хуросон подшохи Алоуддин Мухаммад Хоразмшохнинг кизидир. Хазрат Расулulloх(с.а.в.) подшохнинг тушига кириб ишорат килдиларки, кизингни Хусайн Хатибга никох кил! Бу никохдан Бахоуддин Валад дунёга келди. Икки ёшида отаси олам-дан ўтди. Балогат ёшига етганда дин ва ир-фонга оид билимларни чукур ўзлаштирди. Илмда камоли ул ерга етдики, Хазрат Расулulloх(с.а.в.) унга Султон ул-уламо (Олимлар султони) лакаби бердилар.

Обрўси кундан-кунга ошиб бораётганини кўриб, хасад ахли ва замонанинг сохта олим-лари уни подшоҳга карши бош кўтаришда айб-лаб тухмат килдилар. Ноилож Балхни тарк этиб, Багдод йўли билан Маккага караб йўл олдилар. Бу пайтда ўгли Жалолиддин (Румий) хали кичик ёшда эди. Багдодга етганларида одамлар сўрадилар:

- Кайси юртдан келиб, каён бораяпсизлар?!

Деди:

- Миналлохи илаллохи ва ло хавла ва ло куввата илло биллох! (Аллохдан Аллохга бормокдамиз! Кўркув ва кувват факат Аллохдандир!)

Шайх Шихобиддин Сухравардийга (к.с) бу сўзни етказганида айтдилар:

- Бу Бахоуддин Балхийдан ўзга киши эмас.

Шайх Сухравардий Мавлоно Бахоуддин истикболига чикканида, отининг ўзангисини ўпди ва хонакохига таклиф килди. Мавлоно дедилар:

- Илм ахлига мадраса муносиброкдир.

Мустансария мадрасасида яшай бошлади-лар. Учинчи куни яна Макка томон йўлда да-вом этдилар. Тўрт йил Озарбайжонда сокин бўлдилар ва етти йил Лорандада яшадилар. Мавлоно Жалолиддинни ўн етти ёшлари-да уйлантирдилар. Бир йилдан сўнг Султон Валад тугилди. Улгайганларида танимаган киши ота-болани ака-ука деб хаёл киларди. Сўнг замон подшохи уларни Кунияга таклиф килди. Мавлоно Бахоуддин ўша шахарда вафот этдилар.